## БИЛДИРИШ

Шу йил 11 март куни соат 10 да, Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг мажлислар залида «Ўзбекистонда «босмачилик» ҳаракатларининг характери тўғрисида»ги масалага бағишланган ўзбек мактабларидаги тарих ўқитувчиларининг давра суҳбати бўлади.

Мазкур давра суҳбатида тарих фанлари доктори, профессор А. А. Акрамов ва бошқа йирик тарихчи олимларнинг маърузаси тингланади.

Давра суҳбатига қизиқувчи барча кишиларни таклиф қиламиз.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 4-уй.

Маълумотларни 56-06-06 телефони орқали олишингиз мумкин.



Санъаткор қалби эзгулик сари ошиқади, гўзалликка интилади. Пойтахтнинг Бектемир ноҳиясидаги кашшофлар уйида салкам ўн йилдан буён рақс тўгарагига бошчилик қилиб келаётган Манзура Зокирова наинки санъаткор, балки муаллим-санъаткордир. Унинг истеъдодли шогирдлари жуда кўп кўрикларда ғолиб чиққан. Яқинда ноҳияда ўтган «Илҳом чашмалари» танловида ҳам Манзура Зокирова меҳнатлари муносиб тақдирланди.

Суратда: танловолди тайёргарлиги кўрилаётган пайт.

У. УСМОНОВ тасвири.

## *Қутлаймиз!*

Ҳурматли устоз Ҳожи Қосимов!

Сизни қутлуғ 60 ёшингиз, 60 баҳорингиз билан самимий муборакбод этамиз.

Сиз фаолият кўрсатаётган Деҳқонобод ноҳиясидаги 69-мактабда ўқиган, айни кунда ҳаётнинг турли жабҳаларида хизмат қилаётган шогирдларингиз Сиздан нафақат математика илмини, балки юрт ишига фидойилик, жонкуярлик, одамийлик каби муқаддас хислатларни ҳам ўрганди десак муболаға бўлмайди.

Яна кўп йиллар ўқувчиларни ана шу илмлардан баҳраманд этасиз деган умиддамиз.

Сизни қутлуғ 60 ёшингиз билан муборакбод этиб, мустаҳкам соғлик, ижодий баркамоллик тилаб қолувчи

ДЕҲҚОНОБОД НОҲИЯ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БУЛИМИ, НОҲИЯ КАСАБА УЮШМАСИ ҲАМДА МАКТАБ ЖАМОАСИ.

## РИСОЛАДАГИ ТАРБИЯЧИ АНИҚЛАНДИ

Яқинда ёш томошабинлар театри биносида ғаройиб анжуман бўлиб ўтди. Пойтахтимизнинг Октябрь ноҳияси халқ таълими бўлими ташкил этган бу кўрик-танловда «Энг яхши тарбиячи» соврини учун ғолиблар аниқланди. Беллашувда ноҳиядаги етти боғчадан мураббийлар иштирок этиб, касб маҳоратлари, билим доиралари, қобилиятлари, ижодкорликларини намойиш этишди.

Мусобақанинг саккиз шартини қизиқарли тарзда бажариб, унинг натижасини ўтирган томошабинлар ҳукмига ҳавола этиш ҳам осон бўлмади. Рисоладаги тарбиячининг кимлигини аниқлаш учун белгиланган шартлар хилма-хил бўлди. «Ўзим ҳакимда», «Моҳир қўллар» «Чарчов билмас», «Изла, ўйла, топ» сингари синов шартлари барчани қизиқтириб қўйди.

Мусобақа давомида ноҳиянинг 468- боғча тарбияланувчилари ҳамда 27-боғча мураббийлари халқ қўшиқлари ва лапарларини ижро этиб, дилларни хушнуд этишди.

Кўрик-танловда ғолибликни 461-боғча тарбиячиси Ҳалимахон Дўстмуҳамедова қўлга киритди. У 250 сўм пул, фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан мукофотланди. Иккинчи ўрин совриндори — 170-боғчадан Дилмира Маннопова 200 сўм пул, учинчи ўринга сазовор бўлган тарбиячи эса 342-боғчадан Умида Юсупова 150 сўм пул, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Г. САЪДУЛЛАЕВА.

### ДИЛ СЎЗЛАРИ

## СЕНИ КУТАР МУАЛЛИМ...

Ойномалар қаторига «Бошланғич таълим»нинг кириб келганлиги мен каби муаллимларнинг кўп йиллик орзу-умидларини ушалтирди. Унинг илк сони чиқибди деб эшитдим, лекин ҳанузгача тополмадим. Афсуски, шу пайтгача обунамиз ҳам келмади.

Ишончим комил, энди минглаб республикамиз ўқитувчилари, олимлари бир-бирлари билан ойнома орқали ўз тажрибалари, услублари тўғрисида ҳамкор бўла оладилар. Унда ёритилиши керак бўлган турли хил мақолалар тавсияларнинг долзарблиги биз учун керак эканлигини ҳис қилиб турибман.

«Маърифат» қуёши доимо муаллимлар қалбини ёритиб, меҳнатга муҳаббат ҳиссини уйғотганидек, «Бошланғич таълим», сени кутар муаллим, — деб қоламан.

Акрам СУЮНОВ,
Самарқанд вилояти Ургут ноҳиясидаги 8-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, республика халқ маорифи аълочиси, «Ўқитувчи-91» Бутуниттифоқ танлови совриндори.

*Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг*

# ҒОЙИБ ВА ЗОҲИР ОРАЛИҒИДАГИ АЁЛ

### ЛОҒОН ҚИШЛОҒИ

Бу қишлоқнинг оддий ўзбек қишлоқларидан сира фарқи йўқ. Аҳолиси ўзбеклар ва тожиклардан иборат. Ерлик аҳоли тонг саҳарлаб далага отланади, сигир-бузоқлар қишлоқ осмонини кўча чангларига қориб йўлга тушади. Тонг қоронғусида қишлоққа «бостириб» келадиган автобус ва автомобиллар карвонига аҳоли кўникиб қолган. Бу карвон София опа Ашур қизини истаб мамлакатнинг турли жойларидан келади. Улар асфальт ётқизилиб, панжара билан иҳоталанган майдонга кирадилар. Майдоннинг ўнг томони бўйлаб юриб, чап томонидаги мўъжаз кулба қаршисида тўхтайди. Ортдан келган машиналар ҳам худди шу зайл олдинма-кетин қатор бўлишади. Сувора меҳмонлар уловдан тушмайдилар. Пиёдалар махсус бир ерга жам бўлишади. Патта пули — 3 сўм. Ётоқ жойлар, чойхона, дўконларда одам тонг қоронғусидан гавжум. Бу ерда ҳеч ким бир-бировига қаттиқ гапирмайди, чўнтаккесарлар йўқ. Тошкент магазинларида йўқ матолар бу ердан топилади.

Ўрта бўйли, тўладан келган йигит ўзини, «мана шу кичик корхонанинг директориман», деб таништирди. Директор, унинг ёрдамчилари ҳам саёқ мухбирлардан чарчаган бўлсалар-да, сертакаллуф эдилар. Директор бизни тўғридан-тўғри опанинг кулбасига (у киши ҳали келмаган эдилар) бошлади. Биз истиҳола қилдик. Қандоқ бўларкан, балки, руҳлар....

Биз паттачи хонасида беморлар қайд дафтарини кўздан кечириш билан машғул бўлдик (бу дафтарлардан олинган кўчирма мақола сўнгида келтирилади). Одамларнинг оқими тўхтамасди. Оқ дастрўмол тутган болалар келган «бемор» қаршисига чопиб борар, «рўмол олинг, рўмол олинг», деб қичқирарди. Озғингина милиционер одамларни сафлашга ҳаракат қилар, дўконларда савдо қизғин эди.

Тан олиш керак, бугун Ўзбекистондагина эмас, бутун мамлакатда сеҳрли қобилият эгалларининг сони тобора ўсиб бормоқда. Ва бу ҳам томомила табиийдир, дейишга асосимиз бор. Сеҳрли қобилият эгалари, мушкулкушодчилар, табиблар ва яна турли номлар билан аталадиган сеҳр-синоат соҳиблари қадим-қадим замонлардан мавжуд эди. Қачонки, даҳрийлик таълимоти ўзининг даҳшатли қадамлари билан жамият ҳаётига кириб келди, ҳамма яхши анъаналар қаторида ғойиб илми ҳам қирғин қилинди. Онгли ва тадбирли суратда уюштирилган даҳриёна қирғин башарий тафаккур минг-минг йиллар давомида яратган турли илмларни йўқ қилди. Бу қирғин икки йўналишда олиб борилди: жисмоний қирғин ва маънавий қирғин. Ана шу қирғинлар майдонида эса мутлақо янги одам яратилиши лозим эди. Мутлақо янги одам, бош-қоши, қўл-оёғи ўзимизникига ўхшаш, маънавий олами бутунлай терс. Ана шундай одам охир оқибат яратилди. У — биз...

Майдонда ола-ғовур бошланди. «Опа келдилар», — деди бизга паттачи йигит. Қайд дафтарларни йиғиштириб, оломон ичига шўнғидик. Бу қадар катта йиғинда опа бизни қабул қилмаса керак, деган хаёлга бордик. Аммо бутунлай тескари ҳол юз берди. Директор бизни ҳужра томон бошлади. Биз оломон оралаб ҳужрага йўналдик. Ҳужра ичида қотмадан келган, новча, очиқ чеҳрали аёл бизни қарши олди ва дастурхон ёзиғлиқ сўрига таклиф қилди. Дастурхон юзида бодом, ёнғоқ, майиз. Бу мўъжаз шинам хонада ёлғиз ойнали жовондан ташқари деярли ҳеч нарса йўқ. Аммо бу ҳеч нарсаси йўқ кулбача ҳам ғоят сеҳрли туюларди. Опа ёшига нисбатан ниҳоятда чаққон, эпчил. У бизни лаҳза сайин дастурхонга таклиф қилар, гоҳ эшикка ўзини урган «беморга» жавоб берар, гоҳ деразадан суқулмоқчи бўлганларни «инсоф»га келтирмоқчи бўларди. Биз унинг хатти-ҳаракатларини жимгина кузатиб ўтирардик.

София опа ҳақидаги афсонаю ҳақиқатлар узоқ-узоқларга таралди. Озмунча миш-мишлар ҳам тарқалмади. Баъзи кўнгли қора кимсалар кун аро «София ўлибди», «София телба бўлибди» деган совуқ хабарлар тарқатишдан чарчашмади. Олис-олис ўлкалардан келаётган беморларни бошқа бир «соҳибкаромат»нинг эшигига буриб юборганлар ҳам бўлди. Аммо уларнинг барига опанинг Боболари — Руҳлар нуқта қўйдилар. София опадан фотиҳа олган баъзи бир риёкор табиблар эса ўз қилмишлари учун тушларида жазоландилар ва тонг отмай опанинг остонасига бош уриб келдилар: «Мени кечиринг!..»

Опанинг оқмағиз, бироз ғамгин, бироқ ниҳоятда маъноли юзи гапларида заррача муболаға йўқлигини тасдиқларди. У мақтанишни, ўзини ғайритабиий ҳолатларда «кўз-кўз қилиш»ни хаёлига ҳам келтирмасди. У ўзи бошдан кечирган нарсаларни, эришган ва амалда бажараётган ҳодисаларини фақат ва фақат яратгандан ҳамда ҳали қизалоқлигиданоқ унга боғланган Руҳлар — Боболардан деб билади.

### МАХСУМ БОБО

Унинг юзларидаги ажинлар қуюқлашди, нигоҳлари бир нуқтага қадалди. У нимани кўрмоқда? Руҳлар унга нималарни айтмоқдалар?

Унинг сўзларида заррача муболаға йўқ эди.

... Бу атрофларда Махсум бобони билмайдиган одам йўқ эди. Дарвиштабиат одам эдилар. Айниқса, фарзандталаб бечораларга бир пиёла сув тутсалар, бўлди — фарзанд, албатта, туғиларди.

13 ёшда эдим. Далага чиқардим. Эрта тонгдан қора шомгача меҳнатдан бўшамасдим. Кунлардан бирида далага кетаётган эдик, Махсум бобо қаршимиздан чиқиб қолдилар ва мени чақирдилар. «Қизим, — дедилар у киши, — хабарим бор, сен мактабни тугатиб ўқишга бораман, деб юрибсан. Бу ўйларни қўй. Ҳолингдан хабар оладиган кишинг бўлмаса... Сен бошқа иш қиласан. Қўлингни кўтарсанг, бас, ҳар қандай бемор ҳам тузалиб кетади...»

Даладан қайтишда эса кутилмаганда оёқ-қўлларимдан мадор кетиб, бутунлай ҳолсиз ҳолатда йўлга йиқилдим. Қимирлашнинг иложи йўқ эди. Эсимда, кимдир (эркак киши эди) кўмаклашмоқчи бўлди. Мен рози бўлмадим ва бувимларни чақириб беришларини ўтиндим. Бувим мени уйга олиб кетдилар.

Уч ой бир ерда қимирламай ётдим. Сочларимни олиб ташлашди, эрта тонгда бувим овқат, чой-нонни олдимга келтириб қўярдилар. Учта қўл осмондан тушади-да, ҳалиги дастурхон юзидаги нарсаларни олиб кетади. Кунлардан бир кун улар Махсум бобо билан йиғилишиб кенгаш қилдилар. «Сизнинг фотиҳангизни, — дейишди улар Махсум бобога, — 13 ёшдан қилаверсин. Бизнинг фотиҳамизни 31 ёшдан қилади. 31 ёшга тўлганда қўл кўтарса, 88 дардга даво бағишлайди...». Улар менга фотиҳа бергач: «Энди ўрнингдан тур, қизим», — дейишди. Мен «туролмайман, шол бўлиб қолганман», — дедим. «Бугундан бошлаб яхшисан...»

Боболарим мени қисматимни шундай башорат қилишди. «Еттита зурриёд топасан — тўрт ўғил, уч қиз. Еттинчи зурриёдинг дунёга келгач, у бизнинг ихтиёримизда бўлади. Сен ишингни қилаверасан...»

Ўшанда 13 ёшда эдим. 16 ёшда мактабни томомладим. Кейин турмушга чиқдим. Турмушга чиққанимдан сўнг улар менга яна келишди. Мулоқотларимизни мутлақо сир тутишимни ва туғруқхонага бормаслигимни таъкидладилар. Улар туғилажак фарзандларимни ўз паноҳларига олишларини айтишди. Мен рози бўлдим.

31 ёшимда кенжа қизим туғилганидан сўнг муҳлат тугаган эди. Мен боболарим изми билан одамларни даволашга киришишим керак эди. Мен бу ишни уддалай олмайман деб қўрқардим. Ахир ғирт саводсиз бўлсам, бунинг устига турмуш ўртоғим ичкилик ичса. Йўқ, бу иш сира ақлимга сиғмасди. Ахир қандай қилиб одамларни даволашим мумкин.

Муҳлат тугади. Боболарим келиб вазифани адо қилишга киришишимни сўрашди. Мен оғир аҳволда қолган эдим. Бу ҳол чинакамига ақлимга сиғмаганидан розилик бермадим.

Ана шундан кейин боболарим ўз вазифамни бўйнимга олмаганим учун «жазолай» бошладилар. Улар ўзимни вужудимдан жудо қилишар, гоҳ жаннатда, гоҳ Маккаи Мукаррамада сайр қилдирар эди, бу ёғда эса мотам. Жонсиз танам устида йиғилган қавму-қариндошларнинг оҳ-ноласи. Мен бу «сафар»ларда Арофот тоғида мунчоқлар йиғдим, жаннат остоналарини супурдим. Аммо ҳар гал бу сафарлар яқин кишиларимни қаттиқ даҳшатга солар эди. Чунки, саёҳат узоқ давом этгани сайин, менинг ҳаётимга бўлган умидлар шу қадар камайиб борарди.

Шундай қилиб, гоҳ «ўлдим», гоҳ «тирилдим», аммо боболарим амрини бўйнимга олмоққа ўзимда жасорат топмадим. Ҳозирда эса жуда пушаймонман. Ахир қанча-дан-қанча дардманларга, эҳтиёжманд кишиларга ёрдамим тегарди-ку.

«Жазо» давом этарди. Кунлардан бир кун бувимга тушлик тайёрлаб бўлганимдан сўнг Махсум бобом уч киши билан бирга кириб келишди. «Нима гап?», — деб сўрадим Махсум бободан. «Вазифангни бўйнингга олмаганинг учун неварангни олгани келдик», — дейишди улар. Тўнғич ўғлимнинг касалманд боласи бўларди. Ҳаммамизнинг суюклигимиз. Мен ўшани деб ўйладим ва: «Ўзи доим касал бўлиб юрарди, жуда яхши кўрардим. Ўларкан-да?...» — дедим эс-ҳушимдан айрилгудек ҳолга тушиб. «Йўқ, — дейишди улар, — қизингнинг боласини оламиз...»

Мен барибир вазифамни бўйнимга олмасдим. Энди улар бувимга ёпишишди. Ярим соат ичида туппа-тузук бувим қўл-оёқсиз, тилу жағсиз бўлиб қолди. На гапиради, на кўзини очади. Етмиш кун қучоғимга олиб ўтирдим, пахтани ҳўллаб оғзига томиздим. Ҳолдан кетган эдим, ўша ҳолатда ҳам бирор кун рўзани тарк этганим йўқ. «Бўйнингга олсанг, уч кунда бувинг яхши бўлади», — дейишди боболарим, — олмасанг, ўлади...» Роса ўйладим. Бувим ўлиб қолса, нима бўлади?

Шундай қилиб, етмиш биринчи куни рози бўлдим. «Фақат ўзимизникиларга қарайман», дедим. Улар рози бўлишди. Ўша куннинг ўзида бувим тилга кириб, қўлларини қимирлата бошлади. Ҳозир 86 ёшли бувимнинг кўриниши мендан чиройли.

1972 йили Махсум бобо оламдан ўтдилар, лекин у киши мен учун ҳамиша барҳаёт.

Боболарим менга бир китоб ва бир жойнамоз беришди. Ҳар кун тонгда 36 ракат номоз ва 200 вазифани бажараман, қолган вазифаларни боболарим бажаришади...»

Материалистлар бу ҳикояга ишонмасликларини олдиндан айтиб қўя қолайлик. Ўзларининг виждонига ҳавола.

...София опа беморлари олдига чиқиб кетди. Энди унинг майин ва самимий овози эшитилиб турарди. У ҳамма-ҳаммани дуо қилди, яхшилик, омонлик, осудалик, тотувлик тилайди. У ёзиқ кафтларини кўтаради, холос. Унинг бутун сир-асрори, ҳикмати — шу қўллар ва дуо. Қолгани ғойибда адо этилади. Қолганини Боболари бажаради. «Сиз эса, энг аввало, пок бўлинг, қалбингизни очинг. Тозаланинг. Ўткинчи дунё ташвишларига ўзингизни бунча уравверманг. Худони унутманг. Охиратингизни эсдан чиқарманг!».

### БОБОЛАРНИНГ ПУЛЛАРИ

Кираверишда кичкина хонада уч сўм тўлаб патта оласиз. Бу ҳам қоғозларга асосланган жамиятимиздан қолган нишона. Майли, гап бунда эмас. Шўровий тиббиётнинг камбағаллиги, ожизлиги, манфаатпарастлигидан озор чеккан, сарсон бўлган шифоталаб кишилар ҳеч қандай анализларсиз, йўлланмаларсиз, қўлма-қўл етиб борадиган ришват (пора)ларсиз уч кунда шифо топгандан кейин уч сўм экан-у, минглаб сўм (аслида қоғоз ҳолига келиб қолган)ларни сарфлашга тайёр.

Шунинг учун ҳам паттахонага ҳам, ёрдамчи йигитларга ҳам келувчилар даста-даста пулларни тутқазишади. Опа иложи борича кишилардан ортиқча пул олмаслигини айтади, ялинади..., иложи қолмагач олади, ўша ернинг ўзидаёқ ногиронларга, болаларга улашиб беради. Қолганларини-чи? Опа қилган хайр-эҳсонлари ҳақида гапиришни сираям истамадилар, базўр кўндирдик.

Яқинда Фарғонанинг Дўстлик карвонсаройида фаввора қуриш учун 28 минг сўм инъом қилди.

Қишлоғида миллий мактаб қуриб битказди, буям 60-70 минг сўм. Туркистонда ҳазрати Укошотага борадиган йўлни яхшилаш учун 7 минг сўмни ўзлари олиб бориб беришди. Тинчлик фондига, масжид, боғчаларга, қариялар уйига 1000 сўм, маҳаллада, қишлоқда, қариндош-уруғлар ичида тўй-маърака қилувчилар, бошига кулфат тушганларга қилаётган хайр-эҳсонларининг сон-саноғи йўқ.

«Менга пулнинг қизиғи йўқ. Бобомнинг айтганларини бажарсам, яқин орада бемор одам қолмаса, бас...».

Опанинг хонадони... Кўримсиз қилиб солинган уйлар. Икки йилдан буён девори кўтарилганича битмай ётган янги қурилиш... Буларнинг ҳаммаси опанинг сахийлиги, дабдабага берилмаслиги, мол-дунёга ҳирс қўймаганидан гувоҳлик беради.

### ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ДУШМАНИ БОР

— Айрим кишилар эшик-деразаларни беркитиб, чироқни ўчириб ётинглар, дейишибди. Бу нотўғри. Ҳатто итни ҳам ҳайдаб юборинглар, дейишибди-я. Боболарга ҳеч нарса ҳалақит бермайди. Шу гапларни тарқатиб, уйларга ўғриликка тушганлар ҳам бўлди. Ҳар куни ўйингизни қандай ҳолатда беркитиб ётаётган бўлсангиз, ўшандай ётинг, — дейди София опа.

София опани бадном қилиш учун, у кишига келаётган шифоталаб одамлар оқимини тўсиш учун ёмон ниятли кишилар нималар қилишмади. Ҳатто Туркистонда, мен София Ашуроваман, деб ҳар бир бемордан 125 сўмдан олиб «даволаган»лар бўлибди.

— Мени синаш учун парихонлар, афсунгарлар, экстрансенслар келишади. Менга уларнинг келганини Боболар хабар қилишади, индамайман. Эртасига уларнинг ўзлари келишиб тавба қилишади, — дейди София опа.

Ҳар қандай лўттибозлар, иғвогарлар сўзига учманг, бир марта Лоғонга келинг, ҳаммасининг гувоҳи бўласиз.

### УЛАР БОБОЛАРДАН ШИФО ТОПИШГАН

«Онам асаб касаллиги, қон босими билан хасталаниб, уч ойча шифохонада даволанишди. Шифокорларга раҳмат, дардини бир оз енгиллатишди... Аммо юзларидаги касаллик изларини қайтариш, асл ҳолига келтиришга шўро тиббиётининг кучи етмади. София опага учрагандан сўнг уч кунда асл ҳолатига келди. Оллоҳнинг иродасию Боболар марҳамати туфайли бутун оиламиз аъзоларининг кўнгли ёришди. Дарвоқе, онам Боболар борган кунда юзлари қаттиқ қизиганини ҳис қилганлар...» (**Маҳфуза Усмонова,** журналист).

«Йигирма йилдан бери ошқозон яраси азобини тортардим. Бормаган шифохонам, учрамаган шифокорим қолмади. Овқат еб маза қилмайман. Худога минг катла шукр, София опамни бизга етказди. У кишига учрашганимдан сўнг мен ўша кечаси жарроҳлик тахтасига ётқизганини, асбобларнинг шақир-шуқурларини аниқ эшитдим. Эрталаб қушдай енгил уйғондим. Ҳозир ҳамма қатори, ҳатто кунига 3—4 марталаб ҳам, ош ея оламан» (Водиллик йигит, исмини ёзишни унутибди).

Бухоро вилояти Свердлов ноҳияси Охунбобоев номли колхозда яшовчи **Умида Остонова:** — Мен бу ерга 3 марта келиб кетдим. Июнь ойида мени қизим юрмас, гапирмас эди. Мен уни кўп шифокорларга қаратдим. Лекин мен София опага келиб, шу ердан фойда топдим. Энди юриб, гапириб кетди. София опага, боболарга раҳмат.

**Кибриё Орипова** (Тожикистон жумҳурияти, Турсунзода шаҳри, 2-микрорайон, 20-уй, 14-кв): — Мен 6 ой касалхонада ётдим. Лекин София аяни Душанбеда туриб эшитдим. Мени кўтариб олиб келишди. Мени ҳовлиларида қабул қилдилар. Икки оёғим, буйрагим оғрирди, юрак ва қанд касалим ҳам бор эди. Мана 5 ойдан бери оёғим соппа-соғ, қанд касалимни сезмайман. Мен дардимга даво топишга ёрдам берган София аяга ўз миннатдорчилигимни изҳор этаман.

«Мен Арслонбекова Зиёдахонман. Хўжайиним Назирдинов Фатхиддин биринчи рўзғоридан 12 йил фарзанд кўрмади. Ажралиб, менга уйланди, 2 ойдан сўнг София опага келиб кетиб, мана 11 ойда болалик бўлдик. Уларга минг раҳмат, умрлари узоқ бўлсин» (Қувасой шаҳри, Арсиф қишлоғи).

«Мен, Майрамхон, умр йўлдошимни, яъни Бурҳониддинни рак дейишган эди. София ая шифо бағишлади. Мен уларга узоқ умр тилайман. Бундан буён ҳам шуларнинг ёрдамига муҳтожмиз» (Қизилқия шаҳри)

**Мирзаев Абдураззоқ,** Қува ноҳиясидаги Қўрғонча қишлоғи: — 1989 йилдан бери 12 бармоқли ичагимда яра пайдо бўлиб, у томирнинг тепасида экан (врачларнинг айтишича). Шу ярадан 3 марта жуда тез қон кетишини кузатдим. 2-мартасида касалхонада ётиб тузалиб чиқдим. Жуда ҳолдан тойган эдим. Кечки пайт қўшнимиз Қувасойнинг Лоғон деган жойида бир опа бор экан, ғойиб Боболар билан даволар экан, деб айтди ва 5 октябрь куни эрталаб Лоғонга бордик. Аёлим София опанинг олдига кириб, дуо олиб чиқдилар. Уйга келиб ётдим. Эртасига эрталаб мўъжиза рўй бериб, қон оқиши тўхтади. Бу худонинг кароматы. Бунга ғойиб Боболар, София опалар сабаб бўлдилар. Уларга минг-минг раҳмат. Худога беадад шукур. Илойим ҳамма беморлар шифо топсин.

«Ўғлим Одилжоннинг сочини «дев ялаб» жуда ҳам хунук бўлиб кетди. Мен боламни Андижондаги тери касалликлари шифохонасига олиб бордим, у ерда ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Сочи баттар тўкила бошлади. Боламни олиб бормаган ерим қолмади. Охири келиним Қувасойда бир ая бор, шуларга олиб боринг, деди. Шу аяга олиб бордим, борган кунимиздан 3-куни сочи чиқа бошлади. Энди ҳозир, худога шукур, олдингидан ҳам яхши. Кўзи яхши кўрмас эди. Жуда яхши кўряпти» (**Т. Имонқулова,** Андижон шаҳри, Пахтакор кўчаси.)

Асқар МАҲКАМ,
Муҳаммад СОДИҚ.

Бош муҳаррир
Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

6491-буюртма. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 20.00. Тиражи 160000.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12